



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



Шахноза Махмудовна Латипова Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
Умид Холбоевич Холбоев Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
Нигина Маруповна Усманова Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Алишер Абдуганиевич Эшгаев Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
Zulfiya Musayevna Usmanova Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
Shokhista Bahridin kizi Turdieva Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Азиза Махомадризовна Каримова Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

9. Яшкин А.С. Направления совершенствования финансового обеспечения природоохранных мероприятий // Финансы и кредит. 2009. № 42. С. 73-76.
10. Фролов С.М., Могильный В.В. Лизинговое финансирование внедрения природоохранных технологий на предприятиях. <https://www.researchgate.net/publication/323415046>
11. Маковецкий С.А. Лизинговая модель стимулирования экологизации промышленных предприятий // Вестник института экономических исследований. 2019, № 3(15)
12. Колотырин К.П. Лизинговые инструменты в сфере обращения с отходами потребления // Экономика природопользования. 2008. № 2. С. 16-25.
13. Zaynalov J.R., Latipova Sh.M. Lizing va lizing operatsiyalari. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2022. – 256 b.
14. Mahmudovna L. S. CHARACTERISTICS OF INNOVATIVE LEASING OPERATIONS IN THE LEASE MARKET // ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2021. – T. 2. – №. 7. – С. 1-9.
15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири) 2019 йил декабрь. <https://lex.uz/docs/4674902>
16. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни. Т., 1999. 14 апрел. 756-сон.
17. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/docs/180552>
18. <https://xs.uz/uzkr/post/chiqindilarni-qa-jta-ishlash-dolzarb-maummo-va-takliflar>
19. Ўзбекистон Республикаси Лизинг уюшмаси расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди. <https://ula.uz/>.

Ш.Латипова	Sh.Latipova
Использование лизинговых услуг в защите окружающей среды	Use of leasing services in environmental protection
<p>Аннотация: в статье освещена важность защиты окружающей среды на сегодняшний день, применения лизинговых услуг, как альтернативного способа финансирования данной сферы. В частности, показаны преимущества и недостатки финансирования сферы посредством лизинговых услуг. Представлены причины, сдерживающие применение лизинга в защите окружающей среды и научно-практические предложения по их устранению.</p> <p>Ключевые слова: лизинг, защита окружающей среды, объект лизинга, кредит, ликвидность, рентабельность, экологически чистые технологии, «Зеленое пространство»</p>	<p>Abstract: the article highlights the importance of environmental protection today, the use of leasing services as an alternative way to finance this area. In particular, the advantages and disadvantages of financing the sphere through leasing services are shown. The reasons hindering the use of leasing in environmental protection and scientific and practical proposals for their elimination are presented.</p> <p>Keywords: leasing, environmental protection, leasing object, credit, liquidity, profitability, environmentally friendly technologies, "Green Space"</p>

Умид Холбоевич Холбоев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА РАҚОБАТНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Аннотация: мақолада корхоналарни беқарор ва ўзгарувчан ташқи муҳитнинг рақобат шароитларига мослашувчанлиги ва унда қандай ишлаб чиқариш омилларини қўллаш орқали иқтисодий потенциални тўлиқ номоён этиш бўйича фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: корхона рақобатбардошлиги, Рақобат ромби, бизнес самарадорлиги, корхона рақобатбардошлиги, товар рақобатбардошлиги, инфратузилма, стратегик жойлашиш.

Кириш. Мамлакатнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлиги унинг алоҳида корхоналари, тармоқлари ва ҳудудлари рақобатбардошлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Мамлакат рақобатбардош бўлиши учун ушбу тизимнинг барча даражаларининг ўзаро таъсирда бўлиши зарур. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги унинг тармоқлари таркиби, хусусиятлари ва унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат)ларга боғлиқ шунда бу мамлакат бошқа мамлакатлар билан иқтисодий рақобатда рақобатлаша олади. Миллий

иктисодиётларнинг муайян даврларда ривожланишини белгиловчи асосий ҳаракатлантирувчи кучлар: ишлаб чиқариш омиллари, инвестициялар, инновациялардир.¹

Халқаро менежментни ривожлантириш форуми (ХВФ) ташкилий кўмитаси томонидан рақобатбардошликни “давлат ва корхоналарда фаолиятида доимий ортиб бораётган қийматни шакллантириш ва халқнинг фаровонлиги ошишига ёрдам берувчи муҳитни шакллантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш қобилиятларини яратадиган омиллар ва сиёсатни таҳлил қилувчи иқтисодий билим соҳаси”² деб таъкидлайди.

Рақобатбардошлик бозор субъектлари фаолиятига марказлашган ҳолда аралашувсиз уларнинг индивидуал ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Рақобатбардошликнинг иқтисодий жиҳатларини ва моҳиятини тушуниш учун стратегияни ишлаб чиқиш учун жуда муҳим саволга жавоб бериш керак: рақобатда етакчиликни қўлга киритиш учун нима қилиш керак? ёки корхонанинг рақобатбардошлиги нима ва қандай қилиб таъминлаш зарур? каби саволларга жавоб бериш керак.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақобатбардошлик ҳақида дастлабки асосий назарий қоидалар фақат XVIII асрнинг ўрталарига келиб пайдо бўлган. Бунда классик сиёсий иқтисод вакиллари саналган А.Смит ва Д.Рикардонинг хизматлари каттадир. Кейинги даврларда Ф.Перру, А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер, Ф.Котлер ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли рақобат назарияси янада ривож топди.

Замонавий иқтисодиётда рақобатбардошлик тушунчаси шаклланиши америкалик иқтисодчи Майкл Портер номи билан боғлиқ. Унинг “Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран” асарида корхона иқтисодий имкониятлар ва омилларни таҳлили, хусусан табиий ресурсларнинг ва ишчи кучи каби анъанавий қиёсий устунликлар энди мамлакатлар ва корхоналар учун бозор иқтисодиётида ривожланишнинг манбаси бўлмай қолганлигини таъкидлайди. Ушбу асарда рақобатбардошлик масаласи мамлакат даражасида кўриб чиқилса-да, худди шу парадигма алоҳида ҳудудлар ва ҳатто шаҳарлар даражасида ҳам қўлланилиши мумкинлигини далиллар билан келтирилган.

Шунингдек Майкл Портернинг “Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов” асарида рақобат стратегияси “беш куч” сифатида шакллантирилган тармоқларда рақобатнинг асосий омилларини конструктив таҳлил қилишни таклиф қилинган. Ушбу ёндашув тармоқлар ўртасидаги энг муҳим фарқларни ва улар қандай ривожланишини аниқлашга имкон беради, компанияларга ўзларининг иқтисодий ва ташкилий имкониятларидан келиб чиқиб тармоқда ўз позициясини топишга ёрдам беради.

А.Смит³ томонидан рақобатга бозордаги субъектлар ўртасида маҳсулотларни сотиш ва сотиб олишда қулай шароитлар учун ҳалол кураш сифатида қаралган бўлса, Д. Рикардо⁴ томонидан рақобат асосида бозорда баҳони тартибга солиш ғояси ривожлантирилиб, табиий баҳоларнинг марказлашмаган бошқарув тамойили билан ҳамоҳангликда бозордаги узоқ муддатли мувозанатни, пировард натижада иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаши илмий асослаб берилган.

Бугунги кунда рақобат тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Жумладан, Ш.Шодмонов, У.Ғафуровлар томонидан тайёрланган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида рақобатга берилган таърифда асосан икки жиҳат: 1) унинг иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан иборат эканлиги; 2) юқори фойда ва нафликка эга бўлиш учун кураш илгари сурилади, яъни: Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англатади⁵

¹ Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993. 896 с.

² Швандар К. В. Международная конкурентоспособность: трансформация понятия, критерии оценки, практические результаты // Вестн. Моск. ун-та. 2008. № 2. С. 58.

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народа. Петрозаводск: Петроком, 1993.

⁴ Воронов Д.С. Оценка, анализ и выявление путей повышения конкурентоспособности предприятий. Дисс. канд.экон. наук. Екатеринбург – 2002.

⁵ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Молия», 2005, 159-б.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг методологик асосини рақобатбардошликни ривожлантириш соҳасидаги қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари олинди. Статистик маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва кузатувлар, илмий билишнинг иқтисодий таҳлил, мантиқийлик, илмий абстракциялаш, гуруҳлаш усуллари орқали тадқиқот муаммоси очиб берилган.

Шунингдек, корхона даражасида корхона биринчи навбатда, рақобатбардошликнинг ўсиши учун ресурслар омилини назорат қила олиши, меҳнат унумдорлигини, капитал унумдорлигини ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жуда муҳим ва булар корхонани ташкил этиш сиёсатига боғлиқ. Корхона даражасида биринчи навбатда, рақобатбардошликнинг ўсиши учун ресурслар омилини назорат қила олиши, меҳнат унумдорлигини, капитал унумдорлигини ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жуда муҳим ва булар корхонани ташкил этиш сиёсатига боғлиқ. Рақобатбардошликни аниқлашнинг барча корхоналар учун қўлланиладиган энг кенг тарқалган усуллардан бири бу динамик усул бўлиб, ундан ривожланиш даражасини баҳолаш учун тақлиф қилинган методологиянинг элементи сифатида фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. ХВЖ миллий рақобат муҳитининг ҳолатини ва корхоналарнинг бойлик яратиш қобилиятини белгиловчи рақобатбардошликнинг тўртта омили борлигини таъкидлайди. Булар:

1. “Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, унинг макроиқтисодий ҳолати” омили миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий хусусиятларини баҳолайди.
2. “Давлат самарадорлиги” омили давлат молияси, солиқ сиёсати, институционал асослар, қонунчилик, таълим ҳолатини баҳолаш орқали давлат сиёсати рақобатбардошликнинг ўсишига қай даражада ҳисса қўшишини белгилайди.
3. “Бизнес самарадорлиги” омили – корхонанинг инновациялар, рентабеллик ва ишончлилик нуқтаи назаридан эришган даражаси бўлиб, у меҳнат унумдорлиги, меҳнат бозори, молиявий ҳолати, бошқарув амалиёти ва глобаллашув таъсирига қараб баҳоланади.
4. “Инфратузилма” омили. Бунинг учун асосий инфратузилма, технологик инфратузилма, илмий инфратузилма, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит ҳолати ҳамда миллий кадрлар тизимининг ривожланиш даражаси ҳисобга олинishi керак.

Ҳисоб-китобларни амалга оширишда рақобатбардошликнинг тўртта омилининг ҳар бири бешта индексга бўлинади. Натижада, барча йигирма индекс бир хил вазнга эга ва 321 кўрсаткич бўйича баҳоланади.

Энди корхона рақобатбардошлигининг таҳлил қилсак. Корхонага нисбатан рақобатбардошлик икки хил қарашга олиб келади.

Биринчиси корхонанинг тармоқдаги бошқа корхоналарга нисбатан рақобатбардошлиги. Корхонанинг рақобатбардошлиги - унинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини, мамлакат ичида ва мамлакатдан ташқарида ушбу тармоқнинг бошқа корхоналарига нисбатан рақобатбардош афзалликларини акс эттиради.

Корхонанинг рақобатбардошлигини фақат тегишли корхоналар гуруҳи доирасида баҳолаш мумкин бир тармоққа, шунинг учун корхонанинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш биринчи навбатда, таққослаш учун асосий объектларни танлашни ўз ичига олади. Таққосланадиган рақобатбардош корхоналар ўлчовли бўлиши керак:

- 1) эҳтиёжларга қараб ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг хусусиятлари;
- 2) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар мўлжалланган бозор сегментлари;
- 3) корхона фаолият юритадиган ҳаётийлик циклининг фазалари.¹

Корхонанинг рақобатбардошлиги - бу бозордаги маҳсулотларни сифатли ва юқори бўлмаган нархда фойдали ишлаб чиқариш ва сотиш қобилиятидир. Корхонанинг рақобатбардошлиги учта асосий омилдан иборат:

¹ Фатхутдинов Р. А. Стратегический маркетинг: учебник. М.: Дело, 2001. 448 с

- 1) тайёр маҳсулот бирлигига ресурс харажатлари сарфи;
- 2) нарх (фойдаланилаётган барча ресурслар учун нархлар даражаси ва динамикаси ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар);
- 3) давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг даражаси бозор ишлаб чиқарувчиларига таъсири.

Корхона даражасида корхона биринчи навбатда, рақобатбардошликнинг ўсиши учун ресурслар омилини назорат қила олиши, меҳнат унумдорлигини, капитал унумдорлигини ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жуда муҳим ва булар корхонани ташкил этиш сиёсатига боғлиқ. Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, асосий капитални тўплаш, маркетинг ва ишлаб чиқариш тизими ҳамкорлик, кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва бошқалар бошқарувни ташкил этиш, корхонанинг технологик ва молиявий салоҳияти рақобатбардошликнинг ресурс компонентининг ўсишини таъминлаши мумкин. Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек, ўзимизнинг тайёр маҳсулотларимиз учун бозор нархларини назорат қилиш қийинроқ, чунки нарх даражаси кўп жихатдан жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг ҳолатига боғлиқ.

Стратегик жойлашни аниқлаш рақобатчиларникидан фарқ қиладиган фаолият комбинацияси билан олдиндан белгиланган ноёб ва фойдали позицияни яратишдан иборат. Стратегик жойлашув икки компонентдан иборат. Биринчиси, ташқи муҳитга мослашиш қобилияти, у корхонани янгилаш жараёнининг самарадорлигини акс эттиради. Ушбу компонент хўжалик юритувчи субъектнинг ташқи муҳит шароитларига мослашувчанлигини тавсифлайди.

Рақобатбардошликни аниқлашнинг барча корхоналар учун қўлланиладиган энг кенг тарқалган усуллардан бири бу динамик усул бўлиб, ундан ривожланиш даражасини баҳолаш учун таклиф қилинган методологиянинг элементи сифатида фойдаланилади. Корхоналар учун унинг ривожланиш даражасини баҳолашни шакллантиришда рақобатбардошликни баҳолаш бошқа усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Динамик усулнинг моҳияти корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлашдан иборат. Асосий динамик кўрсаткич:

$$K = K_R * K_t * K_L$$

бунда, K - таҳлил қилинаётган корхонанинг рақобатбардошлик даражаси;

K_R – операцион самарадорлик коэффициенти

K_t - стратегик жойлашиш коэффициенти.

K_L – молиявий ҳолат коэффициенти.

Хулоса ва таклифлар. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш мураккаб жараён бўлиб бунда фақатгина корхонанинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари эмас, балки исътемомли нуктаи-назаридан ҳам келиб чиқиб баҳоланиши лозим. Корхона рақобатбардошлиги мамлакатнинг асосий кўрсаткичлари ва иқтисодий ҳолатга боғлиқ. Шу билан бирга мамлакатдаги бизнес муҳитига яратилган шароитлар ҳам бевосита бунга таъсир этмасдан қолмайди. Шундан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

1. Корхоналар рақобатбардошлиги баҳолаш бозор нархларини ташкил этишга ва шунга боғлиқ нарх сиёсатини олиб боришни кўзда тулади.
2. Корхоналар учун ишлаб чиқариш ресурсларини самарали жойлаштириш бевосита ўз иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш таннархини пасайтиради.
3. Стратегиянинг ишлаб чиқилиши корхона фаолиятини қисқа ва узоқ муддатли фаолиятини режалаштиришга ўзаро рақобатда имкониятларини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993. 896 с.
2. Фатхутдинов Р. А. Стратегический маркетинг: учебник. М.: Дело, 2001. 448
3. Портер М. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. — 454 с.

4. Кельчевская Н.Р. Формирование и реализация стратегии развития промышленного предприятия как инструмент повышения его конкурентоспособности: монография – Москва: издательство «Креативная экономика», 2021. – 212 с.
5. Мокроносов, А. Г. Конкуренция и конкурентоспособность : учебное пособие . – Екатеринбург : Изд-во Урал ун-та, 2014. – 194

У.Холбоев	U.Kholboev
Оценка влияния конкуренции на повышение эффективности и качества услуг в сфере услуг	Assessing the impact of competition on improving the efficiency and quality of services in the service sector
<p>Аннотация: В статье описывается приспособленность предприятий к конкурентным условиям нестабильной и меняющейся внешней среды и представлены рассуждения о том, как в полной мере реализовать экономический потенциал за счет использования в нем факторов производства.</p> <p>Ключевые слова: конкурентоспособность предприятия, ромб конкуренции, эффективность бизнеса, конкурентоспособность продукции, инфраструктура, стратегическое расположение.</p>	<p>Abstract: The article describes the adaptability of enterprises to the competitive conditions of the unstable and changing external environment and the ideas on how to fully realize the economic potential by using production factors in it.</p> <p>Keywords: enterprise competitiveness, competition rhombus, business efficiency, product competitiveness, infrastructure, strategic location.</p>

Нилуфар Зиябаевна Юлдашова – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика”
кафедраси ассистенти

АГРОСЕРВИСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

<p>Аннотация: ушбу мақолада ривожланган давлатларда агросервис корхоналар ривожланишининг хориж тажрибаси баён этилган. Шунингдек, мақолада қишлоқ хўжалигида сервис хизматини ташкил қилиш учун хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, умумлаштирилди ҳамда жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.</p> <p>Калит сўзлар: агросервис корхоналари, ривожланган хорижий мамлакатлар, фермер хўжаликлари, консалтинг марказлари, кооператив, уюшмалар, техник хизмат.</p>

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида қишлоқ хўжалиги алоҳида ўрин тугади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг аввало агросервис сифатига боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда агросервиснинг ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бошқарув объекти сифатида рақамли иқтисодиёт шароитларида ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларига эга бўлиб, улар услуб ва шаклларни такомиллаштиришни талаб қилади ва давлат томонидан тартибга олинади.

Аграр ислохотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурслари бозори таркибига тармоққа бевосита хизмат кўрсатувчи корхоналар ва тармоқдаги хўжалик субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминланиши ва ушбу жараёнларни ривожлантириш бўйича жаҳон мамлакатларида турли йўллар танланиб, ўзига хос тажрибалар тўпланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Агросервисда хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожланишини хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганишда бир қатор иқтисодчи-олимлар ўрганган ва агросервисни ривожлантиришда ўз фикрларини билдирган: С.Д.Власов, А.Г.Никонов, В.И.Павлов, А.К.Черницкий, Н.П.Макаров, Қ.Ж. Мирзаев, А.Н.Холиқулов, Ғ.Н.Ибрагимов ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси. Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатларни ўрганишда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат,

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023